



MILLIY TIKLANISH

32 (145)

2011 йил 17 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

«Матбуот тарқатувчи»: Замонавий технологик дастурлар — аҳоли хизматида

Шу кунларда халқимизга қулайлик яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида олиб бораётган иланишларимиз натижасида шаҳарсозлик талабларига мос келаётган янги дизайндаги дўконларни республика бўйича ўрнатиш ишларини давом эттиряпмиз.



«Шарқ тароналари»

Шарқ мусиқаси ўзига хослиги ва бойлиги билан гўзал. Балки, айнан мана шу нарса жаҳон мусиқачилари, бастакорлари, мусиқашунос олимлари эътиборини шарқ санъатига қаратиб, жаҳон маданий маконида муҳим ўрин тугитиб келган.



4 ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

8 Кўзгу

ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИ: ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ЎЗЛИК



ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ

Умр, тарихнинг айрим энг муҳим жиҳатларини яшаб кўриб, ўзингдан ўтказиб билар экансан. Унинг шундай томонлари мавжуд эканки, гарчи улар ҳақида не-не китоблар ўқиб, ёши улуглардан эшитган бўлишигга, диплому илмий даражаларинг борлигига қарамай, барибир уларнинг асл моҳиятини ўзингда синаб кўрганингдан кейингина англаб етар экансан...

қиламиз, миллий пулимиз бўлади каби орзу ишончга тўла фикрлар ўтганди. Буларнинг ҳар бирида жон бор эди. Ва бу жон аслида озодликка интилишларимизнинг моддийлашган кўринишлари эди, десак тўғрироқ бўлади, албатта.

1991 йил 31 август куни Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилганларида, ҳаёлимиздан, бўлди энди, бундан бу ёғига

ҳақиқий ҳаёт бошланади, ер ости-усти бойликларимиз кўп, халқимиз меҳнаткаш, одамларимизнинг қўли гул, истеъдодлар сероб, дунёга чиқамиз, ўз билганимизча савдо-сотик

Орадан бир этиб йигирма йил ҳам ўтди-кетди. Мустақилликнинг илк лаҳзаларида пайдо бўлган ўй-хаёлларнинг барчаси кўз ўнгимизда рўёбга чиқди.

5-бет

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»: ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ДАСТУРЛАР — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА



Ўтаётган ҳар бир онимиз бизни улуг айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги нишонладиган кунга яқинлаштиряпти. Юртимизда қисқа давр ичида эришилган ютуқлар ҳақида гап кетганда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиздир. Соҳанинг бир тармоғи ҳисобланмиш «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ўз фаолиятини муттасил такомиллаштириб келаётган ва қатор янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, салмоқли натижаларни қўлга киритаётган ўнлаб корхоналардан биридир.

— Улуг айём арафасида ўтмишга бир назар ташламоқ жоиз деб ўйлайман, - дейди «Матбуот тарқатувчи» АК Бош директори Сувон Нажбидинов. — Катта ёшдагилар аҳоли гавжум жойларга қўйилган кичиккина, ёғочдан ясалган дўкончаларни яхши эслашди. Давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб бошқа соҳалар қатори бизнинг соҳага ҳам эътибор кучайтирилди.

4-бет

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк давридан ривожланишининг «ўзбек модели» деб ном олган ва жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлган ўз тараққиёт йўлини таналади. Бугунги кунда ҳам ана шу йўлдан оғинмай қатъият билан одимлаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш сари олға интилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ ўз олдимишга қўйган мақсадларга эришиш борасида фахрланса арзиғулик ютуқлар қўлга киритилди.

Жумладан, Концепцияда белгиланган «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» йўналиши мазкур соҳадаги ислохотлар жараёнида алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш жоизки, Концепцияда илгари сурилган қатор қонунчилик ташаббусларида Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнлари алоҳида аҳамиятга эга.

3-бет

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ЎЗМТДПдан ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

ЎЗМТДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ VI-ПЛЕНУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХУДДИ ШУНДАЙ ТЎХТАМГА КЕЛИШДИ

Пленум ишида ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуман кун тартибидан жорий йилнинг биринчи ярмида партия ташкилотлари томонидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» да илгари сурилган вазифаларнинг ижроси ва навбатдаги вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийтни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида» ги ҳисоботи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори юзасидан ЎЗМТДП иш дастури, ЎЗМТДП тизимида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш сингари ва партия фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар жой олди.

Кенгайтирилган Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» деб номланган янги китобини ўрганиш, уни кенг омма айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.



— Партияимизнинг бугунги кенгайтирилган пленуми барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналарига қизгин тайёргарлик кўрилатган, юртимизда байрам шуқуқи кезиб юрган бир пайтда ўтмоқда. Бу йил истиқлол байрамини «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтишида чуқур маъно бор. Чунки, миллатимиз, халқимизнинг тарихи буюк, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас Ватанимизнинг келажаги буюк! Давлатимиз раҳбари муқтарам Ислам Абдуганиевич Каримов юртимиз ҳақида гапирганда доимо «шу муқаддас замин» деган сўзни алоҳида меҳр, самимий муҳаббат билан тилга оладилар.

2-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ



ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ЎЗМТДПдан ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

ЎЗМТДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ VI-ПЛЕНУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХУДДИ ШУНДАЙ ТЎХТАМГА КЕЛИШДИ

рур. Партия ташкилотлари девонларида ишлаётган масъул кадрларни танлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. **Яна бир муҳим вазифа** — партия фаолияти бошқарувини такомиллаштириш, турли бўғиндаги партия ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмасувини тезлаштириш ва кучайтиришдан иборат.

ТАДБИРЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЯНГИ ҒОЯ ВА УСУЛЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши V-пленида тасдиқланган умумпартиявий иш Дастури ва кейинчалик Ижроия Кўмита қарорлари билан тасдиқланган Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган иш режими ва энг муҳими, Президентимизнинг парламент палаталарида илгари сурган Концепция юзасидан қабул қилинган алоҳида иш дастуридан иборат. Унинг ҳақиқатини январи-июни ойларидан республикамиз бўйича 3808 та турли мавзу, кўлам ва форматдаги тадбирлар ўтказилди. Уларда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган сафдошларимиз, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, хунармандлар, санъаткорлар, жамоат арбоблари, экспертлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ўларнинг маърузалари, таклифлари, фикр-мулоҳазалари, асарлари, бадий чиқишлари билан фаол иштирок этишди. Мазкур анжуманларда 400 мингдан зиёд юртдошларимиз қатнашди.

Тадбирларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Сон орқасидан кўшиқ амалиётига барҳам берилмоқда, сифат ва тадбирнинг таъсирчанлиги муҳим мезон сифатида фаолиятимиздан жой олмоқда. Энг муҳими, тадбирларда партия дастурий мақсадлари ва электротимиз мақсадлари етакчи ўринга кўтарилди. Сир эмаски, авваллари, айрим ҳолларда тадбирлар партиянинг ғоя ва мафқурасига қанчалик мос, у партия электротати манфаатларини ўқиниб кўришга алоҳида эътибор берилмади. Кейинги йилларда бу борада ҳам фаолиятимизда қатор ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Тадбирлар бўйича ҳудудий партия ташкилотлари мисолида иш фаолиятимизни таҳлил қилганидан бўлса, Андижон вилояти 503 та, Ташкент вилояти 414 та, Қорақалпоғистон Республикаси 370 та, Самарқанд вилояти 342 та тадбир ўтказиб бу борада энг яхши кўрсаткичга эришилган. Партия Андижон шаҳар кенгаши, Шахрихон туман кенгаши, Нукус шаҳар кенгаши, Самарқанд туман кенгаши тадбирлар сони ва сифати бўйича республикамизда етакчилик қилишмоқда.

Биз тадбирларимизни бошқа партиялардан фарқли ўларок ўзига хос услуб ва форматда ўтказиш, яъни электротимиз бўлган хунармандлар, халқ усталари, рассомлар, хайкалтарошлар, касаначилар ва ёш ижодкорларнинг асарлари кўргазмасини ташкил қилиш орқали тадбир таъсирчанлигини оширишни жорий қилган эдик. Утган йиллар таърифи бу усул ўзини оқлагандигини кўрсатиб турибди. **Эндиликда мазкур усулни янада такомиллаштириш зарур. Тадбирларни янада жонли, таъсирчан, мароқли ўтказиш учун янги ғоялар, усул ва йўллари кўллашимиз зарур.**

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР — МАФҚУРАВЙ ЯНГИЛИНИШ ВА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан бу йил иккита йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Яъни, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов парламент палаталари кўшма мажлисида илгари сурган Концепциянинг мазмун-моҳиятини аввало партия ходимлари ўртасида тарғиб қилиш, ўқитиш ва ўрганиш, шунингдек, партияимиз аъзоларининг замонавий сиёсий ва ҳуқуқий малакасини ошириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларида таъсирчан шаклда услубларни такомиллаштириш, партия электротати билан ишлашда депутатлик гуруҳлари ўрни ва ролини кучайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

Улардан биринчиси "Миллий тикланиш ғояси ва мафқураси: уни ҳозирги замон талаби асосида янгилаш" қарашлар билан бойитиш ва шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги ўқув семинари бўлиб, ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро вилоятларида ўтказилди. Иккинчиси, "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш" мавзусидаги ўқув-семинардир. Ҳозирга қадар мазкур анжуман Сурхондарё, Жиззах, Андижон, Сирдарё ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Хар иккала ўқув-семинарда 2 мингга яқин партиядошларимиз иштирок этишди ва йил охиригача қолган барча вилоятларда ҳам ўтказилди. Ўқув-семинарлар ахуна буюича партия фаоллари аттестациядан ўтказилди.

"ЎЗМТДП фаолиятини янада кучайтиришда хотин-қизларнинг ўрни ва роли", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусидаги тадбирлар ҳам ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Ўқув-семинарлар мавзусини партия дастурий мақсадларига янада яқинлаштириш, ўқувлар дастуридан жой олаётган бир-бирини такрорловчи, мазмунан эскирган, кўп маротаба такрорланган мавзулардан воз кечиш зарур. **Партиядошларимиз ўқувда иштирок этар экан, албатта, ўзим билмаган нарсаларни билман, нимидир ўрганаман, қандайдир янги фикр эйтишаман, қолаверса, билимимни боийтаман, деган мақсадда бўлади. Шу боис, ўқувлар ташкилотчилари мавзуларнинг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратига алоҳида эътибор беришлари керак. Келгусида партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси қошида доимий ишловчи ўқув Марказини ташкил этишимиз керак бўлади.**

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ — БИРЛАМЧИ ВАЗИФАМИЗ

Партияимиз сафини изланувчан, ташаббускор, ғоя ва мақсадларимизга ишонган фуқаролар ҳисобига доимо тўлдириб бориш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Айни вазифани амалга оширишда айниқса туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасида алоҳида масъулият мавжуд. Бугунги кунда партияимизнинг 120 мингга яқин аъзоси бор. Шундан 50 мингга яқини олий маъмулотга эга эканлиги ва 55 минг нафари 30 ёшга

ча бўлган йигит-қизларимиз эканлиги, аъзоларнинг ярмига яқинини эса хотин-қизлар ташкил этиши албатта қувонарли ҳол.

Утган олти ой давомида Навоий, Наманган, Самарқанд вилоятларида аъзоларимиз сонининг муттасил ошиб бориши таъминланган. Хусусан, Навбаҳор, Қизилтепа, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳрида бу борада яхши кўрсаткичларга эришилган. **Шу ўринда, бирор бир фуқарони партия сафига айлантириш муҳим эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу учун партия аъзолари билан муттасил иш олиб бориш, уларни партия фаолиятига жалб қилиш, ташкилотчи ва ташаббускор шахсларни партия раҳбар органларига сайлаш ва кадрлар захирасига киритиш қундалик ишимизга айланиши лозим. Токи, хар бир олдий партия аъзоси партия ташкилотлари томонидан ўзига бўлган жиддий эътиборни доимо сезиб турсин. Шундагина сафларимиз мустаҳкамланади ва ишимиз янада самарали бўлади.**

МАТБУОТ — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗҒУСИ

Партияимизнинг ягона матбуот нашри — "Миллий тикланиш" газетаси партияимиз Дастурида белгиланган мақсад-вазифалар моҳияти, сайловдаги Платформаси, Марказий Кенгаши қарорлари, Фракция фаолияти, жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ишини мунтазам ёритиб бориш, кенг жамоатчилик орасида ғояларимизни тарғиб-ташвиқ қилишга сафарбар қилинган. Газетамизнинг қарийб 4 саҳифаси Партияимиз ва фракцияимиз ҳаётига бевоқифа бағишланган. Чоп қилинаётган бошқа мавзулардаги материалларда партия дастурий мақсадлари руҳи акс этган. Таҳририят муҳбирлари партияларо ўзаро курашда партияимиз позициясини ҳимоя қилиб, ўзини бизга рақобатчи деб билган партиялар фаолиятини танқидий таҳлил қилишмоқда.

Бирок, айрим танқидий материалларда, хусусан, "Ўз-ўзини танқид" руҳи остида берилаётган материалларда чукр таҳлил етишмайди, танқиднинг юзакилиги сезилиб қолади. Жойлардаги партия ташкилотлари раҳбарлари бошқа партиялар иш фаолияти ва позициясини танқидий таҳлиллар билан газетамизда жуда кам ҳолларда чиқиб қилишмоқда. Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган айрим партиядошларимиз йиллар давомида партия ташкилотлари фаолиятида иштирок этишмайди, сессияларда партияимиз Дастури ва электротати мақсадларини келиб чиқиб сўзга чиқаришмайди, таклифлар билдиришмайди. Партия нашри ана шундай депутатларнинг исми ва фамилиясини кўрсатиб танқид қилиши лозим.

Шу ўринда партияимиз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масаласига қисқача тўхталиб ўтсак. Биз ушбу масалани партияимиз учун муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб Ижроия Кўмита девонида "Жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш" бўлимини ташкил қилдик. Бу тўғри қарор бўлганлигини куйидаги рақамлар кўрсатиб турибди. 2010 йил давомида партияимиз фаолияти 74 марта маҳаллий, 81 марта республика телевидениесида ёритилган бўлса, жорий йилнинг олти ойи мобайнида тадбирларимизнинг 436 таси маҳаллий, 179 таси марказий телевидение орқали ёритилди.

Ҳозир партияимиз интернетдаги янги веб-сайтини яратиб ишлари яқунланмоқда. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги ва бошқа мустақил ва нодавлат босма нашрлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Маълумки, сиёсий партиянинг бутун иш фаолияти пировард натижаси, электротат манфаатларига нечоғлик хизмат қилганили билан ўлчанади. **Партияимизнинг ғоя-мақсадлари кенг омма орасига чукр кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтириш учун тадбирлар ўтказиш, кадрларимиз салоҳиятини ошириш учун ўқувлар ташкил қиламиз, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари билан шуғулланамиз, деб таъкидланди. Бу ишларимизнинг барчаси сайлов жараёнида ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўпроқ жой олиш орқали партияимиз электротати манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилишга қаратилган. Хулоса қилиб айтганда, сизу бизнинг бутун партиявий фаолиятимиз асосини партияимизнинг қатлами манфаатларига хизмат қилиш ташкил этади десак, муволага бўлмайди. Ҳўш, биз бу вазифани қандай амалга оширмоқдамиз? ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимизнинг бу борадаги фаолияти зиммамизга олган вазифалар талабларига жавоб берадими?**

Албатта, электротатимиз манфаатларига қаратилган бир қатор тадбирлар марказда ва жойлардаги партия кенгашлари томонидан мунтазам равишда ташкил қилинмоқда. Хусусан, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси электротатимизга янада яқин бўлиш, улар билан изчил ва мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари ва мусаввирларнинг "Хунарманд" уюшмаси, "Олтин мерос" халқроқ хайрия жағмағармаси, Ёзувчилар уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Байналминал миллий-маданий маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жағмағармаси, "Қатагон қурбонлари" хотира музейи, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбек жанг санъати" федерацияси, "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти сингари давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади.

Партия электротати манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатларимиздан алоҳида масъулият талаб қилинади. Чунки, улар бевоқифа халқ орасида яшаб, одамларни, хусусан, партияимиз ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала-муаммолар ўйлантираётганини яқиндан ҳис этиб туришади.

Ҳисобот даврида кўпчилик депутатлик гуруҳларимиз аъзолари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияси минбаридан партияимиз ғояларига ҳамоҳанг ва электротатимиз манфаатларига қаратилган масалалар юзасидан сўзга чиқиб, бир қатор так-

лифларни илгари суришди. Эришилган натижалар қаторида, бугун бир ҳақиқатни тан олиб айтишимиз лозимки, депутатлик гуруҳлари фаолияти Марказий Кенгашни қониқтирмаётган муҳим йўналишлардан биридир. Марказий Кенгаш Ижроия Кўмитаси депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, уларга зарур тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатиш, жойларда ўқув-семинарлар ташкил қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди. Лекин, депутатлик гуруҳларимизнинг аксариятида ҳамон юқоридан буйруқ кутиш кайфияти ҳукмрон. Уларга ташаббускорлик, электротат манфаатлари учун фидойилик, партия ишига чин дилдан ёндошиш сингари хусусиятлар етишмапти. Аслида депутатларимиз жойлардаги ҳокимлар қарорлари устидан назоратни амалга оширишлари, сессияларда партия дастурий мақсадларидан, ижтимоий қатламимиз манфаатларидан келиб чиқиб ва қолаверса худудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ҳокимликлар олдида аниқ таклифлар ва масалаларни қўйишлари лозим. Бирок, йиллар давомида озгина мум солиб, сукутни афзал биладиган депутатларимиз ҳам йўқ эмас.

Президентимиз илгари сурган Концепция ва ҳукумат ҳисоботи юзасидан парламент палаталари қабул қилган кўшма қарор талаблари асосида, биринчидан, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг ҳар томонлама фаолиятини ошириш олдимизда турган муҳим вазифадир. **Иккинчидан,** халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ахборотларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимизда тинглаш амалиётини тиклаш ва янада кучайтириш зарур. **Учинчидан,** Марказий Кенгаш Ижроия Кўмитаси девони маҳаллий кенгашлардан сайланган депутатларимизни амалдаги қонунлар, Президентимиз асарлари, фармонлари, қарорлари ҳамда партия ҳужжатлари, шунингдек, сиёсий иш кўникмалари мазмун-моҳияти билан ўзлуксиз таништириб бориш учун алоҳида ўқув-семинар ташкил этиш керак.

Бугун замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Мамлакатимизда барча соҳалардаги ислохотлар чукрлашиб, демократик янгилашиллар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз онг-тафаккурда кечаётган ўзгаришлар силсиласи юртимиз кифасини тубдан ўзгартирмоқда. Сизу бизни янада масъулиятли, янада шижоатли, янада ватанпарвар бўлишга даъват қилмоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдири эса давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда ва умуман истиқлол йилларида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислохотлардир. **деди пировардда партия раҳбари.**

Пленумда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, оғир ва тахликалий даврда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримовнинг юртимизни чукр инқироздан олиб чиқиш, уни қатъий билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловига голиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишгача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига қамраб олиш таъкидланди. Хусусан, яқин тарихимизда содир бўлган бу воқеаларни моҳиятини чукр англаш, ёшларимизга истиқлол йўлидаги курашлар тарихини тушунтириш барча партия ташкилотларининг етакчи вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Пленумда кун тартибидagi масалалар юзасидан сўзга чиққан ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси О.Очилова, ЎЗМТДП МК ва фракция аъзоси А.Маматов, ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Б.Бобононов, ЎЗМТДП МК аъзоси Л.Саидова, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси С.Отамуродов, ЎЗМТДП МК аъзоси Б.Хасанов, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати З.Машрабов барча даражадаги партия ташкилотлари йил бошида белгиланган иш дастур ва режаларидаги вазифалар ижросини ўз вақтида бажаришнинг таъминлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз партия сайловоти Платформасида кўзда тутилган вазифаларни изчиллик билан бажариш ҳамда электротат манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилишда ўз фаолиятларини тубдан кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан партия ташкилотлари алоқасини мустаҳкам йўлга қўйиш, фаолиятимизни янада кучайтиришга қаратилган янги ғоялар ва таклифлар бўйича тегишли ишчи гуруҳлар тузиш зарурати ва, энг муҳими, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирларимизни янада кучайтириб, энг улғў, энг азиз байрамимизнинг улғўвор кадрини, сиёсий аҳамиятини тарғиб-ташвиқ қилиш, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларимизни таъсирчан ва ҳаётий мисоллар орқали кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга тушунтириш, тарғиб қилиш ҳозирги пайтдаги асосий вазифамиз эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Шавкат БОЛТАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз илгари сурган Концепция асосида қабул қилинган қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг парламентдаги ҳисоботининг муҳокамаси яқунлари бўйича эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори фракциямиз аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юкланди. Хусусан, унда асосий эътибор ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жавобгарлигини кучайтириш ма-

салаларига қаратилди. Шу нуқтаи назардан пленумда давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепция ва ҳукумат ҳисоботи юзасидан парламент палаталари қабул қилган қўшма қарор талаблари асосида депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ахборотларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция- мизда тинглаш амалиётини кучайтириш, Марказий Кенгаш Ижроия Кўмитаси девони маҳаллий кенгашлардан сайлан-



ган депутатларимизни амалдаги қонунлар, Президентимиз асарлари, фармонлари, қарорлари мазмун-моҳияти билан узлуksиз таништириб бориш маҳаллий кенгашлардан сайлан-

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳна-молигида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, юртимизда тадбиркорлик ривожланди. Кичик, ўрта бизнес кенг қулоқ ёйди, касаначилик, хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодида етакчи ўрин тута бошлади.

● ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

ТАШАББУСКОРЛИК НЕГА СЕЗИЛМАЯПТИ?

АЙРИМ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ СУКУТ САҚЛАШНИ АФЗАЛ БИЛИШАЯПТИ

маҳаллий ҳокимият эътиборини қаратиш, уларни ҳал этишга эришиш депутатлик

қилинган. Дарвоқе, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши-

Ваҳоланки, жорий йилнинг олти ойлик ҳисоботларига кўра, шаҳарда айрим қорхона ва яққа тадбиркорлар фаолиятини тўхтатган. Лекин унинг сабаб ва оқибатларини ҳеч қайси депутатлик гуруҳи ўрганмаган ёки шаҳар кенгаши сессиясига масала сифатида киритмаган. Аслида ушбу масала ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар гуруҳига кўпроқ тегишли эмасми? Улар мазкур муаммони бартараф этиш, ўз электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига жим туришни афзал кўришмоқда. Қолаверса, бошқа партиялар депутатлик гуруҳлари учун ҳам бегона бўлмаган, касаначилик, аҳолининг бандлик масаласи, давлат дастурларининг ижроси сингари масалалар юзасидан тақлиф, тавсиялар берилмаган.

Лекин муҳокама қилинган масалаларнинг бирортаси ҳам сессия кун тартибига депутатлар гуруҳлари ташаббуси билан олиб чиқилмаган.

гуруҳлари олдида турган муҳим масалалардан бири сифатида қолмоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган даврда халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашининг 8 мартада сессияси бўлиб ўтган ва уларнинг ҳар бирида 6-7 та масала кун тартибига қўйилган. Жумладан, сессияларда Президент қарорлари ва маърузалардан келиб чиқадиган вазифалар, давлат дастурлари, турли

нинг 30 нафар депутатларидан 12 нафари ЎзЛиДеП, 8 нафари ЎзХДП, 7 нафари ЎзМТДП ва яна 3 нафари "Адолат" СДПдан сайланган. Бу маҳаллий Кенгашда барча партиялар депутатлик гуруҳини тузиб, сессияларда электротар манфаатига хизмат қиладиган масалаларни кўтариб чиқиш имконияти мавжудлигидан дарак беради. Лекин муҳокама қилинган масалаларнинг бирортаси ҳам сессия кун

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашининг 30 нафар депутатларидан 12 нафари ЎзЛиДеП, 8 нафари ЎзХДП, 7 нафари ЎзМТДП ва яна 3 нафари "Адолат" СДПдан сайланган. Бу маҳаллий Кенгашда барча партиялар депутатлик гуруҳини тузиб, сессияларда электротар манфаатига хизмат қиладиган масалаларни кўтариб чиқиш имконияти мавжудлигидан дарак беради.

қонунлар ижроси ва бошқа кўлаб масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул

тартибига депутатлар гуруҳлари ташаббуси билан олиб чиқилмаган.

Қиссадан ҳисса шуки, юқорида айтганимиздек, Юртбошимиз тақдим этган Концепция маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига улкан масъулият юкланди. Бу эса эндиликда сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва уларнинг депутатлик гуруҳларидан ўтказилаётган тадбирлар сони ва сифатини тубдан яхшилаш, электротар ўртасида партия мавқеини мустаҳкамлаш, партия гоя ва максдаларини кенг ва фаол тарғиб этиш, сайловолди Платформа партия ўз зиммасига олган вазифалар ижросини таъминлаш, сайловчилар хоҳиш-истакларини ўрганиш, таҳлил қилишни талаб қиладди.

Соҳиба ҒОЙИПОВА



Бобуржон ЗИЯЕВ,
халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати:

Ислом Каримов Парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган Концепция партиялар ўз фаолиятини танқидий-таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг VI-Пленуми ўз-ўзини танқид руҳида, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Кун тартибидан жой олган партиянинг жорий йилдаги олти ойлик фаолияти юзасидан таҳлилий-танқидий ҳисобот барча иштирокчилар диққат-эътиборини тортди.

Чунончи, пленумда ҳақли равишда танқид қилинганидек, партиянинг айрим халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизга ташаббускорлик этишмаяпти. Улар вилоят, туман Кенгаши сессиялари кун тартибига партиянинг электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни қўйишга оғирлик қилишмоқда. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Уйлайманки, мазкур пленумдан тегишли хулосалар чиқарилади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари

Чунончи, пленумда ҳақли

Оянаса ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

— Бугун биз мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланган сиёсий куч сифатида мазкур жараёнларда қандай иштирок этишимиз лозим? Бу саволга жавоб топиш учун ўз фаолиятимизга ўзимиз ҳолис баҳо бера олишимиз керак, десам тўғрироқ бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўтган олти ой мобайнида ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан партиямиз мақсад ва гояларини амалга оширишга қаратилган кўлаб тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинар ҳамда форумлар ташкил этилди. Бироқ юқоридаги пленумда таъкидланганидек, ҳали ечими-

ни кутаётган қатор вазифалар турибди. Хусусан, партия аъзолари билан доимий иш олиб бориш, ташкилотчи ва ташаббускор фуқароларни партия кадрлар захирасига киритиш, ўтказилаётган ҳар бир тадбирни электротаримиз бўлган хунармандлар, халқ усталари, расомлар, ҳайкалтарошлар, касаначилар ва ёш ижодкорлар асарлари кўргазмасини ташкил этиш воситасида таъсирчанлигини ошириш лозим. Қолаверса, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Кенгаши бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоят "Тадбиркор аёл" уюш-



маси, Республика "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундай алоқа ва ҳамкорлик нафақат электротаримиз, балки сиёсий партиялар ва кенг жамоатчилик ўртасидаги нуфузимиз, куч ва салоҳиятимизни ҳам оширади.

КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чуқур ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда мазкур соҳа қонуний асосга эга бўлди.

Дарвоқе, демократик тамойиллар ҳамма жамиятда ҳам сайловлардан бошланиши барчамизга маълум. Шу маънода, муҳтарам Юртбошимиз эътироф этганидек: "Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намойён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокнинг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир".

Сайловларни демократик руҳда ташкил этишда, албатта, мuddатидан олдин овоз бериш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда Президент сайлови, парламент давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда — уларнинг конституциявий ваколатлари мuddати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи яқшанба кунга ўтказилиши белгилаб қўйилган. Демак, сайловлар белгиланган

кун ва вақтда ўтказилади. Мантқан ўйлаб қаралса, барча даражадаги сайловларнинг қонун билан белгиланган мuddатларда ўтказилиши мамлакатимизда ушбу жараённинг ҳар томонлама тартибли ташкил этилишини таъминлайди. Шундай бўлса-да, сайлов кунини айрим сайловчилар ўзларининг яшаш ҳудудларида вазиет тақозоси туфайли бўлмаслиги мумкин. Хусусан, кимдир хизмат сафарига отланади, яна кимдир эса ҳаёт ташвишлари билан йўлга чиқади. Қолаверса, шу кунини ҳеч қандай истис-

миллашиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи, айниқса, охириги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнида мамлакатимизда ушбу жараённинг ҳар томонлама тартибли ташкил этилишини таъминлайди. Шундай бўлса-да, сайлов кунини айрим сайловчилар ўзларининг яшаш ҳудудларида вазиет тақозоси туфайли бўлмаслиги мумкин. Хусусан, кимдир хизмат сафарига отланади, яна кимдир эса ҳаёт ташвишлари билан йўлга чиқади. Қолаверса, шу кунини ҳеч қандай истис-

миллашиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи, айниқса, охириги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнида мамлакатимизда ушбу жараённинг ҳар томонлама тартибли ташкил этилишини таъминлайди. Шундай бўлса-да, сайлов кунини айрим сайловчилар ўзларининг яшаш ҳудудларида вазиет тақозоси туфайли бўлмаслиги мумкин. Хусусан, кимдир хизмат сафарига отланади, яна кимдир эса ҳаёт ташвишлари билан йўлга чиқади. Қолаверса, шу кунини ҳеч қандай истис-



Рустам РАШИДОВ,
ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони мафкуравий масалалар бўлими бошлиғи:

— Пленумда партияимизнинг олти ойлик фаолияти атрофида таҳлил қилинган маърузани тингладик. Эришилган натижалар билан бир қаторда ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз мавжудлигини пленум иштирокчиларининг ҳар бири чуқур ҳис қилганлиги шубҳасиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ис-

лохотлар жараёнининг ҳозирги босқичида партия мафкурасини янги мазмун билан бойитиш, кадрлар салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан биридир. Пленумда олдимизга қўйилган вазифалардан бири ҳам айнан мафкуравий янгиликни ва кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган янги лойиҳалар билан чиқишдир.

Нурмуҳаммад САПАЕВ,
халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгаши депутати:

— Пленумда нафақат Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги асосий йўналишлар муҳокама этилди, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори юзасидан амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Пленумда таъкидланганидек, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис

Қонунчилик палатасидаги фракцияси, барча даражадаги партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳлари бугунги кундаги фаолиятимиз давр шиддати ва талабларига жавоб бера оладими, деган саволга жавоб топишимиз лозим. Таъкидланганидек, сиёсий иш кўникмаларини юксалтириш, парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда электротар манфаатларини таъминлаш воситасидагина



ижобий натижага эришиш мумкин.

МУDDАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

носиз ишда бўладиганлар дейлик, соғлиқни сақлаш, электр таъминоти ва бошқа соҳа вакиллари бор. Улар сайлов участкаси комиссиясига келиб, сайлов кунини иштирок этолмаслиги, мумкин бўлса олдинроқ овоз бериш таклифини билдиришлари шубҳасиз. Аммо, амалдаги қонунларимизда мuddатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидалари белгиланмаган. Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизими мунтазам тако-

моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Бу қўшимчалар, биринчидан, сайловчиларга ўз хоҳиш-иродаларини билдириш имкониятини яратилиши билан замонавий технологияси ҳисобланган, иккинчидан, сайлов участкаларида туғилмаган муаммоларни бартараф этади, чалқовликларга чек қўяди ва сайловларнинг юқори савияда ташкил этилишига замин яратди. Мuddатидан олдин овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-қоидалари худди сайлов кунини овоз беришга мос келишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашини унинг демок-

ратик ислохотлардаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. ЎзМТДП жамиятга амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий куч сифатида бу каби имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш асосида миллий сайлов тизими, фуқароларимизнинг қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг кафолатлигини тўла қўллаб-қувватлайди. **Урал ХАЙТОВ,** ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо энг асосий хулоса шуки, эркин ҳаёт куриш бу жуда оғир ва қарама-қаршилиқларга тўла мураккаб ҳамда узлуксиз жараён экан. Кимдир, нима, шу оддий ҳақиқатни билмасмидинг, саволини кўндаланг қўйиши мумкин.

Жавоби тайин; мустамлака замонда тугилиб, қарамлик ва ҳадиксираш муҳити, коммунистик мафкура исканжаси, чекловлар доирасида улайган болакай буларни қаердан ҳам билсин. Ё булар ҳақида ўша пайтларда ёзилар, ўқитилар ё айтилари-миди?...

Мақтабнинг юқориқ синфларида тарих дарсида Амир Темур шахсига нисбатан қора бўёқларга ботирилган таърифлар келтирилди. Бу ишни ўқитувчимиз астойдил бажо келтирмагани, фақат дарсликда ёзилганларни овоза қилгани ҳақида ҳали эсимда. Шунга қарамай кечкурун отамга бу ҳақда сўзлаб берганимда, у киши, бўлмаган гаплар, тухмат, дея қисқа қилдилар-да, ўғлим бу гапларни мактабда, кўча-кўйда айтиб юрма, ҳар учта одамдан биттаси нарига ёқинг одами, тилингга эҳтиёт бўл, деб қаттиқ оғоҳландирдилар. "Нариги ёқ"ни билардим, гарчи тўлиқ маълумот ва тасаввурига эга бўлмасам-да, КГБ деган ваҳимали ташкилот ҳақида ҳамма қатори эшитгандим. Худди шунингдек ҳали ўз она тилимиздаги барча сўзлардан беҳабар боғча ёшимизданок Ленин бобога аталган шеърларни ёндаб, ашулалар айтдики, лекин унинг ўзи аслида ким бўлганини билмасдик, олдинига болалиқдаги, сочи қиз боланинга ўхшаш расмини, кейин девордаги портретини кўрардик. 1 май байрамида онамиз қўзғирки Абай кўчаси орқали Навоий кўчасига олиб борардилар. Катта ёшдаги одамлар кўчани тўлдириб, қўллариде қизил байроқлар, ҳар хил ёзувлар ва портретлар билан ўтардилар. Онгимизга "парад" сўзи орқали муҳрланган маънавий жараёнда биз учун қизғин лимонад ва зилдирска сув ичиш ҳамда ҳаволи пуффак эди.

Мақтабга бордик, олдинга Лениннинг ҳалиги қизболага ўхшаш расми туширилган "значок"ни, кейин қизил галстукни, еттинчи синфдан бошлаб "комсомолский значок"ни тақдик. Бироқ неча минг йиллик ўз тарихи, давлатчилиги, маданияти, қадрият ва удумлари, цивилизация бешигини тебратан буюк даҳолари бор миллатни қарамлик гирдобига тортганлардан бири худди шу "доҳий" эканлигини билмасдик.

Бу муҳит олий ўқув юртига кирганимизда ҳам сақланди. Фақат бир янги ҳолатга дуч келдик. "Европоток" деб аталадиган, аксарияти ўзбек бўлгани билан рус тилида раво сўзлашадиган, турли тадбирларда фаол, етакчи бўлган тенгдошлар гуруҳини кўрдик. Фалончи-тугунчиларнинг фарзандлари бўлиши бу ёшларнинг келажаги ўша пайтдаёқ аниқ ҳисобланар эди. Ўша кезларни эслар эканман, ўзимга-ўзин савол берарман: агар Мустақиллик бўлмаганида айнан улар қарам халқнинг устига қўйиладиган навбатдаги бошқарувчи-қўриқчилар бўлмасмидилар? Гарчи, кўпчилигининг билим савияси етарли бўлмас-да, шундай бўлиши муқаррар эди. Негаки, метрополияга ўз таг-туғидан беҳабар, "гах" деса қўлга кўнадиган, айтганини сўзсиз баҳарадиганлар керак эди. Бундай ёрқин мисолга университетни битириб, илмий муассасга ишга борганимизда дуч келдик. Кунлардан бири-два домламиз Бўрибой Аҳмедовнинг тилшунос олим Фанижон Абдурахмонов билан суҳбатларига гувоҳ бўлдик. Фанижон ака, Раъно Абдулаева бир неча тилшунос олимларни чақириб, ўзбек алифбосидан ў, ғ, к, ҳ харфларини олиб ташлаш ташаббуси билан чиқасизлар деб ҳоли-жонимизга қўймапти, у десак ҳам, бу десак ҳам унамапти, бу ишни қилсак, ўзбек тилидаги айрим сўзлар умуман бошқача маъно бериб, ҳатто уятли томонларга ўзгариб кетади, десак ҳам кўнмапти, деб нолигани ҳали ҳам кўз ўнгимда. Ҳа, кечганина, ўтган асрнинг саксончи йиллари ўрталаридаги аҳвол шундай эди.

Энг улуғ, энг азиз байрагимизни тантана қилиш арафасида ўтмишни эслаш зуруримкан, саволи тугилиши шунки мумкин. Албатта ва ниҳоятда зарур. Кеча ким эдик, бугун ким бўлдик, саволига аввало ўзимиз жавоб топа олишимиз учун ҳам керак. Тўғри, мустамлака замонидеги аянчли, гоҳида чорасиз аҳолимиз, миллатимиз бошига ёғдирилган фожияларни гавдалантирадиган йирик-йирик мавзулар кўп. Улар ҳақида айтилган, айтимокда ва яна айти-

лади. Аммо атиги йигирма беш - қирқ йил бурунги турмушимизда ўзимиз кўрган, ўзимиздан ўтказган, қарамлик муҳитидан сўйлайдиган, жажжигина туюлса-да, бироқ ўта сабоқли хотираларни сақлаш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Қарамликка қарши тарихий иммунитетимизни мустаҳкамлаш учун ҳам лозимдир.

Мустақиллик эълон қилинганда икки ёшли қизим бор эди, бугун у салкам бир яшар фарзанднинг онаси. Истиклолга тенгдош ва шу кунларда она бўлиш бахтига сазовор бўлган қизларимиз қанча! Улар Мустақиллик оналаридир. Шу орада ўз оилам, қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ошна-оғайни ва таниш-билишлар оиласида қанчадан-қанча ўғил-қизлар дунёга келди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида туғилганларнинг ҳам онги айнан Истиклол даврида шаклланиганини инобатга олинса, гап аҳолимизнинг жуда катта бўлаги ҳақида кетаётганлиги аёнлашади. Шунинг учун уларнинг юриш-туриши ва дунёга қарашини кузатиш жуда қизиқ. Аввало улар ҳам жисман, ҳам шууран эркин эканликларини илғамаслик мумкин эмас. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Истиклол фарзандларининг жисмоний ривожланишида катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигини севинч ва ифтихор ила таъкидлашлари беҳиз эмас, деб ўйлаймиз. Тўғри, ушбу ютуқда ёш авлод камолотининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, кучли ижтимоий ҳимоя, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси, оилалардаги моддий шароитнинг кундан-кунга яхшиланиб бораётганлиги сингари омилланинг таъсири бекиёсдир. Шу билан бирга яна бир омил борки, унинг қувватини ҳеч нарса беролмайди. Бу эркин жамият, эркин инсон муҳитидир.

Хурликда тугилиб-унган авлоднинг миллатсеварлик, юртпарварлик ва билимини сингдириш даражаси хўрликдагидан кўчирок бўлар экан. Ёшлар ўртасида бож бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтаётган кунларда олти яшар ўғлим югуриб келиб, ада, ада телевизорда Ўзбекистон чяқпти, тез юринлар деб кидон. Бориб қарасам, Ойбек Шарипов финалда тушяпти. Ўғлимнинг бизники қайсиниси, саволининг жавоб бердим, олишувдан кўра кўпроқ унинг ҳолатини кузата бошладим. Ҳакам Ойбекнинг қўлини кўтарганида ҳаммамиз хурсанд бўлдик, аммо, биз юдик, биз юдик, дея қучоғимга отилган ўғлимнинг қувончи қандайдир бошқачароқ туюлди менга. Тақдирлаш маросими тугагач ўғлим, энди серкўёни айтиди, деганида ҳам, байроқлар кўтарилаётганида, бизнинг байроқ ҳаммакидан баланд-а, деганида ҳам юрагим қандайдир тотли зирқираб кетди. Ўзимнинг шўёшдаги дунёқарашимни эсладим. Шунда ўз қавмини қирқ йил давомида сарсон-саргардонликда эргаштириб юрган Мусо пайғамбардан, шунча вақт ичиде нимага эришдинг, деб сўраганлариде, қарамлик ва куллик руҳияти нималигини билмайдиган авлод дунёга келди, энди уни ҳеч қачон ортга қайтара олмайди, жавоби тасвирланган ривоят ёдимга тушди.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам ўта қисқа даврда Юртбошимиз Ислам Каримов етакчилиги ва тинимсиз уринишлари билан миллий давлатчилик, иқтисодий асослари барпо этилди, давлат мустақиллигимиз, мамлакатимиз яхлитлиги, фуқароларимиз тинчлигининг қафолати бўлиш хавфсизлик тизими яратилди, замонавий илгор турмуш тарзи — демократик ва ҳуқуқий муносабатлар устуворлиги таъминланди, тараққиёт ва рақобат синовларига бардошли ёшларни камол топтиришга қаратилган миллий таълим тизими жорий қилинди, ранг-баранг ижтимоий муносабатларнинг умумий миллий манфаатларга хизмат қиладиган уйғунлигига эришилди, аждодлар аънавалари тикланди, миллий мерос ва умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш имкони тугилди, ташқи сиёсатда хурматга сазоворлик мақомига сазовор бўлинди. Президентимиз доимо урғу бериб келганларидек, буларнинг бари халқимизнинг орзу-умидларидан келиб чиқиб, унинг куч-қудратига таянган ҳолда амалга оширилди. Шу маънода миллатимизни орзу-умидлар сари етаклаган, шу йўлда кучимизга қуч, қудратимизга қудрат қўшиб келаятган омил бу озодлик ҳисси ва ўзликини англаш туйғусидир, десак адашмаймиз. Истиклол қадри ҳам шунда! Бундан чиқди, Мустақилликни эъзозлаш моҳияти эътибори билан озодлигимизни асраш ва ўзлигимизни сақлаш демократ.

Азамат ЗИЁ

Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида бой меросга эга бўлиб, ёш авлодини ҳаммаша инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган. Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият - энгилмас куч" асариде таъкидлаганидек, "Маънавият - инсонни руҳан поклашни, қалбан улғайтишга қўлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баҳувават, иймон-этиқодини бутун қилдизган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезониридир".

Маънавият — аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва аънаваларнинг мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида муҷассам этади.


Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуллохик Фихруддоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Бериуни, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар. Теннинг, бизники қайсиниси, саволининг жавоб бердим, олишувдан кўра кўпроқ унинг ҳолатини кузата бошладим. Ҳакам Ойбекнинг қўлини кўтарганида ҳаммамиз хурсанд бўлдик, аммо, биз юдик, биз юдик, дея қучоғимга отилган ўғлимнинг қувончи қандайдир бошқачароқ туюлди менга. Тақдирлаш маросими тугагач ўғлим, энди серкўёни айтиди, деганида ҳам, байроқлар кўтарилаётганида, бизнинг байроқ ҳаммакидан баланд-а, деганида ҳам юрагим қандайдир тотли зирқираб кетди. Ўзимнинг шўёшдаги дунёқарашимни эсладим. Шунда ўз қавмини қирқ йил давомида сарсон-саргардонликда эргаштириб юрган Мусо пайғамбардан, шунча вақт ичиде нимага эришдинг, деб сўраганлариде, қарамлик ва куллик руҳияти нималигини билмайдиган авлод дунёга келди, энди уни ҳеч қачон ортга қайтара олмайди, жавоби тасвирланган ривоят ёдимга тушди.

Афсуски, эски тузум замониде таълим-тарбия, маърифат ва маданиятга иккинчи даражали соҳалар деб қаралди. "Маънавият" сўзининг ўзи тилимизда истеъмолдан чиқариб юборилдики, бу тушунча замиридаги қадриятларимизнинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида гапирмасам бўлади.

Шу боисдан, истиқлол арафасиде маънавият соҳисига бекиёс эътибор қаратилиб, Юртбошимиз сайёҳаракатлари билан тилимизда, демакки, онгу тафаккуримиз - дунёқарашимизда маънавий бойлиқлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч каби тушунчалар янгидан шаклланди. Биргина мисол: агар ўтган асрнинг 70-80-йилларида чоп этилган икки жилдди "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га ҳам, ўн тўрт жилдик "Ўзбек совет энциклопедияси"га ҳам "маънавият" сўзи киритилмаган, демакки, бу тушунчага таъриф берилмаган бўлса, 2009 йилда нашр этилган "Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати" номли алоҳиде китобеда одамзод учун бебаҳо бойлик бўлиши маънавиятнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги тугган ўрни, аҳамияти билан боғлиқ энг асосий тушунча ва атамаларнинг кенг изоҳи берилган.

Собиқ тузум даврида инсон маънавияти, халқ маънавияти, миллатимизнинг маънавий меросига нисбатан бир томонлама ёндашилди, уларга синфий ва партиявий нуқтаи назардан баҳо берилган. Янаде

МАЪНАВИЯТ



аниқроқ айтадиган бўлсак, яқин ўтмишда маънавий мероснинг минглаб дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланган эди. Юзлаб маънавият даргалари миллатчилик, миллий биқилликда, диндорликда айбланиб, қатга қилинган. Ҳатто, яқин қариндошнинг жанозасида бўлгани, таъзиясига боргани учун юртдошларимизга нисбатан жазо чоралари қўрилиши эски тузумнинг охириги йилларида одатий ҳолга айланганди. Юр-

маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишга давлат этиб, бунинг сабабини "Ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир" деб ўқтиргани ва бу борадаги сиёсат қандай изчиллик ва самарадорлик билан давом этаётгани яна бир бор эътибор қаратиш жоиз, деб биламиз.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва тарихий жасорати билан 1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, Президентимиз

МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

тбошимиз ибораси билан айтганда, "бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлодаждодини билмайдиган манкуртларга таянар эди".

Тарихи синовдан ўтган ҳақиқат шуки, эзгу гоёларга, маънавий меросга, аънавалар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа боролмайди. Бу ҳақиқатни етмиш йилнинг нариберисида паторат топан собик иртифоқнинг қисмати аққол исботлади. Айна вақтда мустабид тузум даврида халқимизнинг қадр-қўнми, шаъни ва гурури поймол этилгани, қўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани, маънавий қарамлик остида тақдиримиз жар ёқасига келиб қолганини асло унутиб бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган маънавий тарғибот фаолияти ўзининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эски даврдаги "пропаганда-агитация ишлари"дан ер билан омонча фарқ қиладиди.

Мустақил мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституцияимизнинг 12-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланида. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилганини эслаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда олиб борилаётган маънавий тарғибот-ташвиқот жараёни замирида юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу қорға мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовулардан асраш, уларни оғоҳликка қорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий гоа асосида халқни бирлаштириш, жиқшлаштириш, ёш авлод онги ва қалбиде эзгу гоёларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли амалий ҳаракатлар муҷассамдир.

Чунки мақсадимиз оддий ва ҳаётий - одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятимизда олижаноб фазилатлар устувор бўлишига эришишидир. Табиийки, бунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбиде мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ янгича тафаккур, янги гоёларни камол топтириш, уларни юртимиз тинчилиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 20 йиллик шонли санасини нишонлаш арафасида — Президентимиз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, авваламбор, барчамизни ўсиб келаятган ёш авлоднинг

томонидан 1990-1991 йилларда қабул қилинган қатор ҳужжатларга мувофиқ юртимизда "Наврўз" байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари катта байрам ҳамда дам олиш кунлари деб эълон қилингани — бу каби муҳим тарихий қарорлар халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлида илк йирик қадамлар бўлганини алоҳиде таъкидлаш даркор.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда, унинг энг муҳим масалаларини изчиллик билан ҳал этишда, бу жабадаги ишларни ҳар гал янги, янаде юксак босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг шу борадаги асарлари, маъруза ва нутқлари, фармон ва қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарор бу борадаги ташкилий ва амалий ишларни, гоаяий-услубий ёндашувларни тақомиллаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорнинг самараси биринчи навбатда шунда намойён бўлдики, жойларда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида она юртга мувоҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган маънавият ва маърифат ишларига эътибор янаде кучайди. Бу борадаги фаолият янгича руҳ, маъно-мазмун билан бойиди.

Маънавият тарғибот маркази, вилоятларда унинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари, шунингдек, Миллий гоа ва мафқура илмий-амалий маркази, махсус тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янаде яхшилаш, минг йиллар мобайнида сайқаланиб келаятган ибратли аънава ва қадриятларни тарғибот этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жойларда қизиқарли кўрик-танловлар, кўргазмалар, учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда, илмий рисолалар чоп этилмоқда, оммавий ахборот воситаларида ранг-баранг материаллар эълон қилинмоқда. Буларнинг барчаси юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, одамларнинг маънавий камолотини юксалтириш, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга, энг асосийси, ўзлигимизни англашга катта таъсир кўрсатди. Халқи-

мизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Муҳими, жамият тараққиётининг асосий омилларида бири - соғлом маънавий-маърифий муҳит янаде мустаҳкамланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши бугунги кунда ўз атрофида "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналлари, "Маънавият" нашриёти каби 60 га яқин ташкилотни бирлаштириб, уларнинг маънавий-маърифий ва мафқуравий тарғибот йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда. Кенгашининг фаолияти ўсиб келаятган янги авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда том маънодаги фидойилик ва ватанпарварлик муҳитини яратиш, юртдошларимизни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, уларни ёт ва зарарли гоёлардан ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавиятсиз келажак йўқ", деган теран маъноли маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳақидаги давлати соҳа ходимлари, миллионлаб юртдошларимиз қалбиде акс садо берди. Энг муҳими, бугунги кунда нафақат маънавият, бундан кўра нафақат маънавият ва маърифат каби ўлмас қадриятлар ташкил этмоқда.

Ҳаётнинг ўзи, тараққиёт қонуниятлари, эришилган марралар, истиқболдаги мақсад ва вазифалар демократик ислоҳотларни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янаде чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча йўналишлари қаторида маънавият соҳисига оид вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилган. Чунки Концепцияда зикр этилган улғувор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавият-маърифат, тарғибот-ташвиқот масалаларига бориб тақалади.

Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципал жиҳатдан янги босқичда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг ўлғамли ишларни янаде изчил давом эттириш дастуридир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Маънавият ҳақида ҳар қанча давватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгида сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта йўналган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз".

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош гоиси — озоде ва обод Ватан, эркин ва фарован ҳаёт барпо этиш экан, бу гоа халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак қадриятларни ўзида муҷассам этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, истиқлолнинг 20 йиллик шонли тарихи давомида Президентимиз раҳнамоллигида юртимизда амалга оширилган маънавий ислоҳотларнинг бутун қамровини кўрсатиш, маънавий соҳадаги ўзгаришлар самараларининг мустақил тараққиётимизда тугган ўрни ва аҳамиятини, қолаверса, истиқболдаги вазифаларимизнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш осон иш эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгилинида бўлади".

Ғулом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият
тарғибот маркази раҳбари
(ЎЗА)

ЖАРАЁН

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

● **ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ**

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўп қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда.

Ислон **КАРИМОВ**

ЮРТИМ МАҲАЛЛАЛАРИ



Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, яшаш тарзи, миллий удумлар, урф-одат ва анъаналар шаклланиб келган. Шунингдек, одамларни бир-бирига меҳр-оқибати, мурувватли, саховатли бўлиш, ўзига хос жамоани шакллантиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, бугунги кунда маҳалла маҳаллий бошқарувнинг биринчи бўлини, асосий устуни сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

ФАОЛИЯТ

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўп қадриятларимиз, жумладан, маънавий қадриятларимиз ўзига хос тарзда ҳаётимизнинг, ижтимоий-сиёсий тизимнинг ажралмас қисмига айланди.

Маҳалла аҳли ўз муаммосига, биринчи навбатда, шу маскандан ечим излайди: ўзи ёқлаб овоз берган фуқаролар йиғини оқсоқоли ёки маслаҳатчидан маънавий кўмак ёки маслаҳат сўрайди.

Олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, уларнинг 1333 таси қишлоқ, 101 таси шаҳар, 154 таси овул фуқаролар йиғини ва 8536 таси (84%) маҳаллаларда ташкил қилинган. Ҳар бир маҳаллада оқсоқол ва маслаҳатчилар, турли фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, маънавий тарғиботи, яраштириш каби комиссиялар, шунингдек, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари бир ёқадан бош чиқариб маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда маҳаллалар фаолияти тўғрисида гап кетар экан, Тошкент шаҳри Сергели тумани «Бобур» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназаровани суҳбатга тордик.

— Маҳалламизда тарбиявий, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича фуқаролар йиғини таркибиде «Маънавият тарғиботи» ва «Яраштириш» комиссияларининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу борада маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, эл орасида ҳурмат қозонган, тажрибали, зиёли, ҳаёт тажрибасига эга фуқароларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тизими мавжуд. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар етарли. Айниқса, вояга етган ёш авлод шуурида миллий қадриятларга ҳурмат, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фаилатлар камол топишида маҳалланинг

ўрни бекиёс. Ёшларнинг оилада шаклланиши иймон-этикоди, одоби, орияти, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Маҳалла фуқароларни, биринчи навбатда, ёшларни одоб-ахлоқ, ор-номус, биродарлик, умуман, миллий анъаналар руҳида тарбияловчи ибрат маскандир. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллалар фаолияти тубдан яшиланиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Мухими, ушбу ноёб, таъсирчан ва адолатли тузулманинг ҳуқуқий асослари яратилди, — дейди Х.Рўзиназарова.

Муҳтарам Президентимиз 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида урғу бериб, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг ваколати тузилмалари бир ёқадан бош чиқариб маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда маҳаллалар фаолияти тўғрисида гап кетар экан, Тошкент шаҳри Сергели тумани «Бобур» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназаровани суҳбатга тордик.

— Маҳалламизда тарбиявий, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича фуқаролар йиғини таркибиде «Маънавият тарғиботи» ва «Яраштириш» комиссияларининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу борада маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, эл орасида ҳурмат қозонган, тажрибали, зиёли, ҳаёт тажрибасига эга фуқароларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тизими мавжуд. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар етарли. Айниқса, вояга етган ёш авлод шуурида миллий қадриятларга ҳурмат, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фаилатлар камол топишида маҳалланинг

ўрни бекиёс. Ёшларнинг оилада шаклланиши иймон-этикоди, одоби, орияти, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Маҳалла фуқароларни, биринчи навбатда, ёшларни одоб-ахлоқ, ор-номус, биродарлик, умуман, миллий анъаналар руҳида тарбияловчи ибрат маскандир. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллалар фаолияти тубдан яшиланиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Мухими, ушбу ноёб, таъсирчан ва адолатли тузулманинг ҳуқуқий асослари яратилди, — дейди Х.Рўзиназарова.

Муҳтарам Президентимиз 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида урғу бериб, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг ваколати тузилмалари бир ёқадан бош чиқариб маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда маҳаллалар фаолияти тўғрисида гап кетар экан, Тошкент шаҳри Сергели тумани «Бобур» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназаровани суҳбатга тордик.

амалга оширилган 30 дан ортиқ ижтимоий-иқтисодий вазиқларни бажараётир. Бунда маҳаллаларнинг давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида мамлакатимиз қонунчилигида белгилаб қўйилган. Қолаверса, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши ҳуқуқий демократик жамият куриш йўлидаги асосий йўналишларидан биридир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасида фуқаролар йиғинлари қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ҳар навбатда, йилнинг ҳар чорағида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органилари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларни эшитиши ва фуқаролар



йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилиши, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритиб, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қилиши кўрсатилган.

— Ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли саломатлигини яхшилаш, ҳудудларни тинч-осойишта, саранжом-саршита сақлашга ҳисса қўшиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинади, — дейди «Бобур» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Шохидда Алиева. — Маҳалла — бир бутун оила. Шу маънода, ҳар биримиз яқин оғоҳ ва ахил-иноқ яшашимиз муҳим аҳамият касб этади. Муҳим, ўсиб келаётган ёш авлод ҳам биз катталардан муносиб ўрнани олсин.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшларни соғлом вояга етказиш мақсадида оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлигини кучайтириш муносабатларини яхшилашга жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада уй беклари, ёш келин-куёвларга маҳалланинг жамиятда тутган

ўрни нақадар аҳамиятли эканлиги, фуқароларнинг тинч-отув яшашда асосий восита бўлиб хизмат қилаётганлиги уқтирилмоқда. Бунда, шубҳасиз, маҳалланинг бирдамлиги ниҳоятда зарур. Шу ўринда маҳаллада истиқомат қилувчилар фикри билан ўртоқлашсак.

Шахноза Содиқова: — Маҳалламизда қандай йиғин ва тадбир бўлса барчасига қўшилган билан биргаликда қатнашамиз. Ана шундай тадбирлардан бири ҳафтаининг ҳар пайшанбасида аҳолининг репродуктив саломатлигига бағишлаб ўтказилаётган давра суҳбатларидир. Бунда маҳалланинг маслаҳатчилари билан биргаликда етук шифокорлардан тиббий маданиятнинг энг муҳим томонлари ҳисобланган репродуктив саломатлик, никоҳланувчиларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг оқибатлари, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш ва юқумли касалликлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмоқдамиз.

Таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурларининг ижроси доирасида республикамизда мавжуд 3,5 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) ҳамда «Тез тиббий ёрдам» ташкилоти раҳбарларининг жами 3316 та КВП раҳбарларининг маҳаллаларда ҳисобот бергани фикримиз далилидир. Ушбу ҳисоботлар ҳар чорағида туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси хузурида жамоатчилик вакиллари иштирокатида туман (шаҳар) миқёсида

ҳам тинганиб, тегишли қарорлар қабул қилинапти.

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ...

Айтиш жоизки, фуқаролар йиғинлари, хусусан, маҳаллалар фаолияти, биринчи навбатда, давлат ва жамиятда адолат устувор бўлишига, халқнинг хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини эътибордан четда қолмаслигига, бир сўз билан айтганда, фуқароларимизнинг эртанги кунга ишонч ва эътиқодини оширди.

Шу боис бугунги кунда аҳоли маҳаллага бурунгидаги каби фақат маълумотнома олиш учун мурожаат қилмайди, балки ҳар қандай муаммосига биринчи навбатда шу маскандан ечим излайди, ўзи ёқлаб овоз берган маҳалла ёхуд қишлоқ йиғини оқсоқол ва маслаҳатчиларидан маслаҳат сўрайди.

Шунданми, бугун маҳалла фаолияти учун бегона соҳанинг ўзи йўқ. Яъни, маҳалла ҳаётига, аҳоли турмушига дахлдор қайси бир юмуш, муаммо бўлмасин, албатта маҳалла аралашади, гоҳ бевосита, гоҳ билвосита бўлсин масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
«Milliy tiklanish» мухбири



Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Гўзалкент 1-сонли шифохонасида 27 нафар олий маълумотли врач, 73 нафар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари эл саломатлиги йўлида фаолият кўрсатиб келишмоқда. Шифохона ҳовлисида қириқинчи биланок баҳри дилингиз очилади. Дид билан экилган гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар киши кайфиятига ижобий таъсир қилади.

— Барча ният ва интилишларимиз инсонлар бахт-саодати учун, уларга нечоғлик ёрдамимиз тегаётганини, мушкулларини осон қилаётганимиз билан ўлчанади, — дейди шифохона бош врач Алишер Қаршиев.

Шифохона жамоаси аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида турли профилактик ишларини ҳам олиб боради. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёллар учун тор доирадаги мутахассислардан иборат гуруҳлар тузилиб қишлоқларда,

қишлоқ врачлик пунктларида тушириш ва ташхис ишлари олиб борилмоқда. Гуруҳлар таркибиде акушер-гинеколог ва бошқа мутахассисларнинг жалб этилгани жойларда аниқ ташхис қўйиш ва муолажа кўрсатиш имконини бермоқда. Аҳоли ўртасида репродуктив саломатлигини йўлга қўйиш, туғишни соғломлаштириш мақсадида 30-35 ёшдан кейинги камқон аёлларни соғломлаштириш мақсадида бегараз ёрдамлар кўрсатилаётир. Шифохона врачлари беморни юракдан даволаб, нафақат бир оилага,

балки бутун бир маҳаллага қувончу шодликлар ҳада этишмоқда. Дарҳақиқат, эл хизматида доимо камарбаста бўлаётган Ўткир Уринов, Олмадон Қиличева, Ҳабиба Муминова, Гулнора Қосимова сингари шифокорлар, Муборак Тошқувватова, Дилара Мамараҳимова, Тиник Хўжанова, Зиёда Нишоннова, Нодира Сарибоева ва бошқаларнинг ижтимоий таъсирини таъминлаш, қолаверса, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳам самарали йўлга қўйилган.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

● **ҚИРҒИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ...**

ҲУЖЖАТСИЗ «GARNIER»

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотларга унинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати, айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли каби маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Сертификатланиши шарт бўлган товарларда эса истеъмолчи унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим. Ақс ҳолда, товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотларнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтаб турилишига сабаб бўлади.

Маълумки, товарлар хавфсизлигини тасдиқлаш уларни сертификатлаштириш йўли билан амалга оширилади. Чунки бу истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши таъминлашга ва мол-мулкка етказилган зарарнинг олдини олишга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 318-сонли Қарорига мувофиқ парфюмерия ва косметика воситалари ҳам сертификатланадиган товарлар сирасига киритилган. Интернетдан олинган маълум

отларга кўра, ушбу турдаги товарларнинг бозори чаққонлигидан фойдаланиб, Шарқий Европа ва Осиёнинг айрим давлатларида дунёнинг етакчи компаниялари маҳсулотларини сохталаштирган ҳолда қалбаки нусхаларини тайёрлаш ва тарқатиш ҳолатлари мавжуд. Мўмай даромадни кўзлайдиган «тадбиркор»ларнинг ҳиссаси ўлароқ, контрафакт косметика ва парфюмерия маҳсулотларини ички бозорларимизга олиб киришга уринишлар ҳам учраб турибди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сиртдан қараганда асл нусхасидан фарқи сезилмайдиган сохта атторлик моллари таркибидеги кимёвий моддалар кўпроқ канцероген ва нейротоксик хусусиятларга эга ва бутунлай фойдаланган кишиларда турли аллергия, асаб тизими касалликларини келтириб чиқариши мумкин экан.

Шу сабабдан ҳам республикамиз божоначилари томонидан косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қаратилган чора-тадбирлар мунтазам олиб борилмоқда.

Наманган вилояти божона бошқармаси ходимлари томонидан Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган «Нексия» русумли автомашина тўхталиб текширилганда, унда андижонлик Р.Каримов томонидан 11 турдаги 940 дона аёллар парфюмерия маҳсулотлари яширин равишда олиб кетилаётганлиги фож этилди. Боиси, божона расмийлаштирувдан ўтказилганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар билан бўлмаган мазкур товарлар муқаддам ноқонуний йўللар билан олиб кирилган экан.

Андижонлик божоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Марҳамат шайхидидаги фуқаро О.Абдувага тегишли хонадон қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кеңилганда, бу ерда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 36 турдаги парфюмерия молларининг йирик туркуми яширин равишда сақланаётганлиги маълум бўлди. Қиймати 9 млн. сўмдан ортиқ мазкур 1619

дона косметика воситалари юртимизга қўшни давлатдан муқаддам кичик туркумларда ноқонуний равишда олиб кирилган экан.

Тошкент вилояти божоначилари томонидан ҳам пардозандоз воситаларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилмоқда. Жумладан, «Навоий» божона пости орқали пиёда ҳолда юртимизга кириб келаётган фуқаро Г.Гулямова ўрнатилган тартибда божона кўригидан ўтказилганда, унинг қўл сумкасига яширган ҳолда 9 турдаги 183 дона «Garnier» кремларни олиб ўтишга урингани фож қилинди. Боиси, бу аёл мазкур косметика воситалари ҳақида божона баённомасида ва оғзаки сўров пайтида маълум қилиниши «унутиб» қўйибди.

Тошкент вилояти божона бошқармасининг Қонтрабанда қарши кураш бўлими ходимлари томонидан Ўрта-Чирчиқ туманида ҳаракатланаётган фуқаро Л.Азамов бошқарувидаги «Камаз» юк машинаси ва Р.Маманов бошқарувидаги «Ласетти» автомашинаси тўхталиб текширилганда, уларда 107 хил турдаги салкам 67 минг дона парфюмерия ва бошқа хўжалик моллари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги фож қилинди. Аниқланишича, божона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатларини бўлмаган мазкур товарларнинг умумий қиймати 74 млн. сўмдан ортиқ экан.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилнинг ўтган 7 ойи давомида республикамиз божоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида аниқланган 657 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 1.7 млрд. сўмлик турли парфюмерия ва косметика воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хусен ТАНҒРИЕВ,
Давлат божона қўмитаси Матбуот қўмитаси инспектори

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

● БИЗНИНГ ШАРҲ



АФРИКА "УЧБУРЧАГИ"

БУГУНГИ КУНДА АФРИКА ШАРКИДАГИ ДАВЛАТЛАР — СОМАЛИ, ЭФИОПИЯ ВА КЕНИЯДА КУЗАТИЛАЁТГАН МИСЛСИЗ ИНҚИРОЗ МИНГЛАБ ИНСОНЛАРНИ ЎЗ ДОМИГА ТОРТМОҚДА

Табий офатлар, очарчилик ва бир неча йиллик фуқаролик урушлари Африка қитъасидаги давлатлар — Сомали, Эфиопия ва Кениядаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, аҳолининг яшаш шароитини бутунлай издан чиқарди. Оқибатда минтақадаги вазият аянчли даражага етган. Яқинда БМТ Сомалининг жанубий вилоятлари, хусусан, Бакул ва Куйи Шабел вилоятлари аҳолиси очарчиликка юз тутгани ҳақида расман эълон қилган. Охириги бир неча йил давом этган қургоччилик боис ҳудудда қарийб 3 миллион одам оч-наҳор кун кечирмоқда. Бу ерда тўйиб оқат эмаятган фуқаролар сони 30 фоиздан ошган. Вазият шу тарзда давом этаркан, бу иллат нафақат бутун давлат, балки қўшни мамлакатларга ҳам таъсир қилади.

Ярим оролида қарийб ярим асрдан буён давом этаётган фуқаролар уруши, очарчилик ва қургоччилик туфайли 12 миллиондан зиёд инсон ҳаёти хавф остида қолган. Охириги уч ойда 30 мингдан ортиқ бола очлик ва сувсизликдан ҳалок бўлган. БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФга кўра, бугунги кунда 780 минг гўдак ўлим билан олишмоқда. Ўз навбатида БМТ "Ал-Қоид" террорчиларига алоқадор бўлган, Сомалидаги ал-Шабаб жаңари гуруҳига қарши қўрилган инсонпарварлик ёрдами одамларга етказиш учун имкон бериш, халқаро ташкилотлар ходимлари хавфсизлигини таъминлашни сўраган. Сомалининг ўрта ва жанубий қисмини назорат қилаётган "Аш-Шабаб" қўшини вазият бўрттириб кўрсатилганини илгари суриб, халқаро ёрдам ташкилотларига рухсат бермаётир.

Очарчилик туфайли нобуд бўлаётган Сомали халқи эса халқаро ёрдам ташкилотлари томонидан Эфиопия ва Кенияда очилган лагерларга сиғинмоқда. Лекин айрим болалар узок йўл машаққатларига дош беролмаяптилар. Мазкур ҳудудларда миллионлаб аҳолига ёрдам бераётган БМТ вакиллари кўрсатилаётган ёрдамлар етарли эмаслигини бот-бот тақдорлайди. Ташкилотнинг махсус вакили Агустине Махининг фикрича, Сомали, Кения ва Эфиопияда ёрдам фаолиятлари кийинлаштирган террорчилар билан кураш ҳам

очлик билан олишишнинг бир парчаси. Озиқ-овқат топиш илинжида лагерларга етиб келишга тиришган минглаб инсонлар террорчилар ҳужумларига дуч келмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Сомалидаги вакили Марте Эверарднинг сўзларига кўра, қарийб 4 миллион одам, яъни мамлакат аҳолисининг ярми тезкор инсонпарварлик ёрдамига муҳтож.

— Мамлакат жанубида яшовчи болаларнинг 50 фоизи тўйиб оқат эмаслиги саломатликка салбий таъсир этмоқда, — дейди Марте Эверард. — Ҳозир ҳудудда қизамик ҳамда ичимлик суви орқали тарқаладиган касалликлар ҳам кўпайган. Январ ойидан буён 50 мингдан ортиқ одам вабо ва терламага чалинган.

Сомали билан чегарадош Кения лагерлари егулик топиш илинжида ватанини тарк этаётган минглаб сомалиликларга тўлмоқда. Аммо ҳозир Кения шимоли ҳам қургоччиликдан азият чекмоқда. Маҳаллий гуманитар ташкилот ходими Николас Васуннинг фикрича, қургоччилик оқибатида айниқса, болалар ва қариялар қий-

налмоқда. Қургоччилик бундан кейин ҳам бўлади, шу боис ҳаракатни ҳозирдан кучайтириш зарур», — дейди Васунна.

Эфиопия ҳукумати ўлкада 5 йилдан буён давом этаётган кучли қургоччилик боис халқаро ҳамжамиятга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Хабарларга кўра, бу ерда доимий тўйиб оқат ҳудуд вазирлиги Митику Кассанинг айтишича, аҳолини очарчиликдан қутқариб қолиш учун 120 миллион доллардан ортиқ озиқ-овқат керак. Айниқса, мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудуд аҳолиси қургоччиликдан қийналмоқда.

Болаларни очликдан қутқариш учун тезкор ҳолатда 9 миллион доллар миқдорига маблағ керак. Бундан 25 йил аввал ҳам мамлакатда кенг миқёсда очарчилик юз берган ва ўшанда 1 миллиондан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмганди. Расмийлар ана шундай ҳолат яна такрорланишидан хавотирда. Мутахассисларнинг фикрича, Эфиопияга фақатгина халқаро ташкилотларнинг озиқ-овқат ёрдами кифоа қилмайди. Мам-

лакатда ҳал этилиши шарт бўлган муаммолар талайгина — ернинг унмдорлиги йўқолган, тупроқлар заифлашиб, ҳосилдорлик кескин пасайган. Ҳозир, ҳатто ёмғирли мавсумда ҳам юқори ҳосил олиш амри маҳол. Ижтимоий муаммолар, зироатчилик маданиятининг пастлиги, хорижий инвестициянинг йўқлиги ҳам очарчиликка сабаб бўлмоқда. Дард келса, қўша келади, деганларидек, айна пайтда бугун мамлакат бўйлаб қургоччилик ҳукм сурмоқда. Кўплай одамлар пана-пастқам, шароити оғир ҳужраларда яшайди. Кам даромад, тўйиб оқат эмаслик, ҳеч қандай таълимга эга бўлмаслик энг асосий муаммолардан.

Аваллари камбағаллик ва қашшоқлик фақат маблағ билан боғланарди. Эндиликда шахснинг топиш-тутишига қўшимча унинг маълумоти, соғлиги, танлаш ва тайинлаш ҳуқуқи, эркинлиги ҳам қўшилди. Ўрта ёки умумтаълимга эга бўлмаган, қўлида хунари йўқ фуқаролар биринчилардан бўлиб камбағал ва қашшоқлар синфига киради. Чунки аксар ҳолларда улларга жуда оз маш тўланади ёки умуман ишсизлик ҳолатига тушиб қолишади. Бу ҳалқа келажак сари боғланиб кетаверади. Зотан, ушбу оила-ларда болаларни ўқитиш, илм ёки хунари ўргатишга маблағ топишмайди. Оила бошлиқларининг унда-бунда топган пуллар эса кундалик егуликдан ортмайди. Африканинг кўплай ҳудудларида айнан қашшоқлик турли юқумли касалликларга, жумладан, ОИТСга олиб келмоқда. Ушбу давоси йўқ касаллик шиддат билан кўпайиб, ижтимоий ва иқтисодий инқирозга олиб бормоқда. Рақамларга қараганда, 1999 йилда Ер юзиде чамаси 34 млн. киши ОИТСга дучор бўлган. Орадан 10 йил ўтиб, бу кўрсаткич Африка қитъасининг ўзиде 40 млн. нафарни ташкил этган.

Ҳозир қитъадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхшилаш, тинчликни сақлаш мақсадида Африка Иттифоқи қўшинлари иш олиб бормоқда. Улар Уганда ва Сомалида экстремист кучларга қарши курашаётир.

Аслида, қаҳатчиликка етакловчи табий офатлар регион учун янгилик эмас. Шу боис, вазиятни инобатга олган ҳолда бир неча йилларга мўлжалланган, ташқи таъсирлардан холи истиқболли дастурлар керак. Зеро, бунинг учун ҳудудда востита ва ресурслар ҳам етарли.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

Давлатнинг янги стратегияси

Буюк Британияда қўлга олинганлар сони 2800 нафарга етган.

Яқинда мамлакатнинг қатор шаҳарларида юз берган тартибсизликлар иштирокчиларини қўлга олиш давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳибсга олинганлар сони қарийб 2800 нафарга етган. Уларнинг ярмига айблов эълон қилинди. Ҳибсга олинганлар бегорилиги ва талончиликда айбланмоқда. Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон таълим, ёшлар ва оила сиёсатида давлатнинг янги стратегияси ишлаб чиқилишини маълум қилган.



Ҳужумлар нисбатан кам

Ироқда содир этилган портлашларда 34 киши ҳалок бўлган.

Ироқ жануби-шарқида жойлашган Кут шаҳрида кетма-кет бомба портлаши натижасида 30 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлиб, қарийб 65 нафар киши жароҳатланган. Шаҳар марказида бир вақтнинг ўзиде иккита бомба ҳаракатга келтирилган. Хабарларга кўра, бомба-лардан бири йўл четида жойлаштирилган, бошқаси машинада бўлган. Айтиш жоизки, шу йилнинг июль ойида Ироқ бўйлаб содир этилган ҳужумларда қарийб 260 киши ҳалок бўлган. Ҳужумлар сони 2006-2007 йилларга нисбатан анча кам.



Самарали йўл

Кеча Франция ва Германия раҳбарлари учрашди.

Парижда Франция президенти Николя Саркози ва Германия Канцлери Ангела Меркел евро зонаси давлатлари қарзлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чораларини муҳокама қилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу борадаги самарали йўл евроҳудудга аъзо давлатлар сотиб олиши мумкин бўлган Европанинг муштарак заёмларини чиқаришдан иборат. Бироқ бу таклифни Германия расмийлари қўллаб-қувватламапти. Эслатиб ўтамиз, Германия ва Франция 17 та давлат аъзо бўлган евро зонасидаги энг йирик иқтисодийта эга давлатдир.



Турар-жой муаммоси

АҚШ Исроилни янги турар-жойлар қурилишини тўхтатишга чақирган.

АҚШ Исроил ҳукумати Иордан дарёси Фарбий соҳилида яхудиёлар учун янги турар-жойлар қуришга рухсат бериш тўғрисидаги қарорини қоралади. Давлат департаменти вакили Викториа Нуланднинг фикрича, Исроил ҳукуматининг бу қарори Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳаракатларга таъсир қилади. Исроил Мудофаа вазирлиги аввалроқ Ариэл Аҳоли пунктида 300 та уй қуришга рухсат бергани тўғрисида баёнот берганди. Фаластинликлар тинчлик музокараларини қайта тиклашнинг шартларидан бири сифатида Фарбий соҳилдаги яхудиёлар яшайдиган пунктларда қурилишни тўла тўхтатишни талаб қилмоқда.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Маълумки, жаҳон тарихида Англия қироли Артур ҳақида турли афсоналар мавжуд. Артур, унинг думалоқ столи атрофида юз берган машҳур рицарлар билан боғлиқ фантастик воқеалар VI асрда келиб ниҳоятда чигаллашиб кетган. Аммо, бу воқеалар ҳақиқатан ҳам рўй берганми? Шундай бўлса, қирол Артур доимий яшаган сирли Авалон ороли ҳозир қаерда? Ахир, у ҳеч бир харитага киритилмаган.

Ҳозирда ушбу саволларга инглиз археологлари жавоб топишга ҳаракат қилишмоқда. Гластонбер аббатлигида олиб борилган қазимиш ишлари чоғида улар қирол Артур ҳамда унинг рафиқаси Гвиневарнинг қабрини топишга муваффақ бўлишган.


ОЛМАЛАР ОРОЛИ

III асрдан то V асрга қадар римликлар, улардан кейин Германия қабилалари Британия оролларида ҳукмронлик қилиб келишган. Бу борада брит қабилалари ва қолган римликлар биргаликда герман қабилаларига қарши курашишган. Катта йўқотишларга қарамай, 1600 йилда оролнинг асосий қисми озод қилинади. Ана шу даврга келиб қирол Артурнинг қаҳрамонликлари ҳақида афсоналар битилади.

Афсоналарнинг бирида яра-ланган қирол Артур Авалон оролига бориб қолгани ҳақида айтилади. Бу оролдаги сирли ҳаёт ҳали ҳануз тарихчи олимларни ўйга солиб келмоқда. XIX аср мутахассислари Авалон оролининг гойиб бўлишини сув тошқини билан боғлаб, XI асрда Ла-Манш бўғозидаги оролда рўй берган воқеа мисолида изохлашади. Бир кунги тўғон билан мустаҳкамланган оролда қоровул дамбани кулфлашни унутди. Кучли тўлқин сабабли шаҳарни сув босади. Ҳамма сувга фарқ бўлади. Шу боис, олимлар ана шундай

СИРЛИ АВАЛОН

ЁХУД ҚИРОЛ АРТУРНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?



қисмат Авалонни ҳам четлаб ўтмаган, деган ўйга боришган. Вильгельм Куркос ўз до-стонида Авалондек бой шаҳар бошқа ҳеч қаерда қурилмагани ҳақида ёзган. Унинг деворлари махсус тошлардан кўта-рилган бўлиб, эшиклари фил суягидан ясалган. Унинг ичи қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, томи соф олтиндан қоплангани ҳақида ҳатто қўшиқлар ҳам куйланган. Бундан ташқари, Авалонда тиббиёт яхши ривожланган бўлиб, ерлик аҳоли оғир касалликлардан тортиб, яра-чақаларни ҳам даволай олган. "Авалон"нинг маъносига кел-сак, у қадимги бритлар тили-дан олинган бўлиб, "олмалар ороли" деганидир.

ГЛАСТОНБЕР АББАТЛИГИ

Сўзимиз аввалида Буюк Британиянинг гарбида жойлашган Гластонбер ҳақида бе-жизга тўхталмадик. Гластонбер аббатлиги ажойиб тарихий иншоот ҳисобланади. Археологлarning гувоҳлик беришича, бу шаҳарда одамлар узок йиллардан буён яшаб келишган. Замонавий илм-фан вакиллари ҳам Гластонберни гаройиб замин дея тан олган. Бу ерда тез-тез ғалати воқеалар рўй бериб турган. Бундай воқеаларга маҳаллий аҳоли бир неча бор гувоҳ бўлган. Масалан, кимдир ибодатхона атрофида соатлаб номаълум шарлар учиб юришини НУЖ (номаълум учар жисмлар) билан боғласа, айримлар тоғ жисмларининг магнит қувавти майдонидаги ўзгаришлар билан изохлайдди.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЯКУНИ

XII асрда Артур ва унинг рафиқаси қаерда дафн этилганлиги ҳақида хабар тарқалади.

Бу вақтга қадар одамлар уларнинг фақат афсоналар орқали танир эди. Архив ҳужжатларида қабрлар ҳақида тўлиқ маълумот сақланиб қолинган. Ушанда қабрдаги эркак кишининг суяклари ҳаммани ҳайратга солади. Чунки, унинг бўйи 2 метру 25 см.ни ташкил қилган. Унинг бош суяк чаноғи эса зарарланган эди. Аёлнинг оқ-кулранг соч толалари яхши сақланган экан. Ибодатхона раҳбарлари жасадларни тантана билан қайта дафн этиш-ни маъқул кўришади. 1278 йили қирол Артур ва унинг рафиқаси қора мрамардан ясалган махсус тобутда қайта дафн этилади.

Гластонбердаги илк замонавий илмий изланишлар 1907 йили инглиз олими Фредерик Бонд бошчилигида олиб борилади. Унинг ҳамкасблари томонидан номаълум ибодатхона аниқланиб, муҳим маълумотлар қўлга киритилган. Бонд ўз хулосасида мақбара қадимги мисрликлар фойдаланган геометрик қонун-қоидалар бўйича қурилган, деган гоёни илгари суради.

Яқинда эса археологлар Ливерпуддан 25 км. узоқда жойлашган қадимги Рим амфите-

атри майдонидан қирол Артурнинг думалоқ столини топишга муваффақ бўлишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қадимги Рим амфитеатри марказида мебель эмас, балки тош ва ёғочдан ясалган катта иншоот борлиги аниқланган. Ўз даврида мингга яқин одам Артурнинг ана шу думалоқ столи атрофида тўпланиб, қиролнинг топиши-рини кутган.

Инглиз олимлари минг йиллардан буён Гластонбер атрофида йиғилиб қолган саволларга ўз билим ва йиллар давомида тўпланган маълумотларни жамлаган ҳолда юқоридаги хулосага келишган. Археологлар ҳозирда қирол Артурнинг нафақат навбатдаги қабри, балки 1190 йилда аниқланган қадимги даҳмасини ҳам текширувдан ўтказишмоқда. Ҳатто, Артур ва Гвиневарнинг суяклари тиббий текширувга юборилган. Текширув натижаларига қараганда топилаётган V-VI асрда яшаган афсонавий қирол ва унинг қиролчасига тааллуқли эканини кўрсатмоқда.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

“ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНИНГ УМУМИЙ УЙИМИЗ”

Нью-Йорк шаҳрида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз” номли фотосуратлар кўргазмаси очилди.

Фонд Форумнинг АҚШдаги ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консуллиги, АҚШ ва Канададаги Бухоролик яҳудийлар конгресси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада таниқли фоторассом Р.Исҳоқовнинг Ўзбекистонга бағишланган асарлари тақдим этилди. Рассом ҳар бир суратга алоҳида меҳр билан ёндашиб, улар орқали серкўёш ўлкамиз, қадимий шаҳарларимиз ва тарихий обидаларимизнинг бор гўзаллиги, ўзига хослиги ва ранг-баранглигини, ўзбек халқининг ўзигагина хос фазилатларини ёрқин рангларда ифода қилган.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Рўзая Рамазон эзгулик, хайрли амаллар, эътибор ва кўмак муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш оиди.

Анъанага кўра, жорий йилнинг 8-19 август кунлари “Меҳр нури” жамғармаси кенг қамровли “Ифторлик” акцияларини ўтказди. Барча вилоятларда меҳмонлар учун байрамона дастурхон тузалади. Меҳмонларнинг асосий қисми — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар, нафақахўр, уруш ва меҳнат фахрийларидан иборат. “Меҳр нури” жамғармаси 2005 йилдан буён ана шундай тadbирларни ўтказиб келади. Ҳозирга қадар мазкур тadbирларда 100 мингдан ортиқ ҳамюртларимиз иштирок этишган.

КАТТА ИМКОНИЯТ

Фонд Форум “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалига аризалар қабул қилишни бошлади.

2004 йилдан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган танловга ҳужжатлар 2011 йилнинг 1 августидан 1 октябрга қадар “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда “Камалак” болалар ташкилотининг туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади. Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ижодий жамоалар ёки алоҳида номзод сифатида классика, вокал, миллий чолғулар, тасвирий санъат, шеърят, адабиёт ва театр сценарийси каби йўналишлар бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишлари мумкин.

КЎЗГҮ

ТАДРИК



“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”

БУ ЙИЛ ЎЗГАЧА ШУКУҲ БИЛАН ЎТАДИ



маданий ташкилотлар, дунёга машҳур санъат арбобларининг ушбу фестивалга бўлган қизиқиши ва эътиборининг тобора ораётгани ҳамда иштироки давлатлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани шундан дарак беради. Биринчи фестивалда 30 дан зиёд мамлакат ва халқро ташкилотдан 300 нафарга яқин санъаткорлар, олимлар иштирок этишди. Жаҳон аҳамиятига молик ушбу халқро мусиқа фестивалида миллий мақом ижрочилигининг маҳоратли намояндalarидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевага биринчи даражали мукофотнинг топширилиши ўзбек санъатига берилган юксак баҳодир. Ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиб келинаётган мусиқа фестивалида юртимиздан Сойибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Дилнура Мирзақуллова, Нодира Пирматова, Матлуба Дадабоева ва бошқаларнинг биринчи даражали мукофотга сазовор бўлиб келаётгани санъатсевар халқимиз қалбида фахр ҳиссини уйғотди. Бу тунжа халқлар ўртасида ўзбек санъаткорлари “энг зўр” дея тан олинадию қувонмай бўлади, аҳир.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида бўлиб ўтайдиган буй йил VIII “Шарқ тароналари” халқро мусиқа фестивалини ўзгача шуқуҳ билан ўтказиб келинаётган мусиқа фестивалида юртимиздан Сойибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Дилнура Мирзақуллова, Нодира Пирматова, Матлуба Дадабоева ва бошқаларнинг биринчи даражали мукофотга сазовор бўлиб келаётгани санъатсевар халқимиз қалбида фахр ҳиссини уйғотди. Бу тунжа халқлар ўртасида ўзбек санъаткорлари “энг зўр” дея тан олинадию қувонмай бўлади, аҳир.



Мусиқа, оҳанг, тарона... Бу сўзлар замирида Ватанга, она замирида, ёру дўстларга муҳаббат уйғотувчи, инсонларни бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга даъват этувчи илоҳий бир куч бор. У бизни ўз сеҳри, таровати билан сел қилади, мафтун айлайди.

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз Ислам Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1997 йилда юртимизнинг энг гўзал ва қадимий шаҳри Самарқандда “Шарқ тароналари” халқро мусиқа фестивали илк мартаба ўтказилди. Муҳтарам Юртбошимиз фестивалнинг тантанали очилиш маросимида “Бу фестивал Ўзбекистонда, айна Самарқанд заминидан ўтаётгани бежиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешиги ҳисобланади. Ишонаманки, “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъий назар, халқларимизни, инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради”, деган эди.

“Шарқ тароналари” фестивали нуфузли халқро кўриктанловлар орасида чиндан ҳам муносиб ўринни эгаллай олди. Фестивалга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Кўплаб давлатлар, халқро

ТАБИАТ ВА ИНСОН

МУРҒАК ЖОНИВОРНИНГ ҚАЙТИШИ



Қишин-ёзин яшилликка бурканиб турадиган Бахмал тоғлари оралиғидан Арчасой дарасини ўзига макон тутган кўнғир айиқлар ҳар қандай шароитга мослашувчанлиги билан бошқа жониворлардан ажралиб туради. Бироқ егулик кам бўлган кезлари уларга хурсандчилик татимайди.

Баҳайбат мавжудотнинг елкалари катта, танаси бақувват, панжалари эса кенг. Уни чалғитиб бўлмайди. Бурни таъсирчан, ҳамма нарсани ҳид орқали аниқлайди. Дарахтлар танасига ишқаланиб қолдирган ҳиддан тўданинг қаердалиги, уларнинг ёши ва жинсини ажрата олади. Бу эса ҳудудни белгилаб олиш ва низо келиб чиқмаслигини таъминлайди. Кунлар исиб тоғ чўққилари-

даги қорнинг эрий бошлаши дарё сувини кўпайтиради. Теварак-атрофда жонланиш юз беради. Эндигина қиш уйқусидан уйғонган она айиқ ростмана оч бўлишига қарамай болаларига ўта гамхўр ва меҳрибон. У тоза ва шаффоф дарё сувининг кўпайишидан хурсанд. Негаки, егулик бўлади. Айиқчаларнинг катта бўлиши учун узоқ давом этадиган оғир дамлар бошланганди.

Қурбон ўтинчи тоғдан қуриган дарахт шохларини уловига ортиб уйига қайтаркан йўлда айиқ боласини учратиб, тезда уни хуржунига жойлайди. У ҳовлисига келгач, ҳориб-чарчаганлигига қарамай фарзандини хурсанд қилиш мақсадида мурғак жониворга симтўрдан чокқина жой ҳозирлайди. Кунлар ўтгач ўзида йўқ хурсанд бўлган болакай қанчалик уринмасин иссиқ ва тўйимли она сутидан бебаҳра қолган айиқча сергўшт суяк ва нон бўлақларига унчалик эътибор бермасди. Жонивор ҳовли шароитига кўника олмай кечалари аҳён-аҳёнда гиншиб чикарди.

Кутилмаганда болаларининг бири кўздан гойиб бўлгани она айиқни безовта қила бошлади. Озгина ҳид, зўрға эшитилган товуш ва шарпалардан сергак тортади. Афтидан, айиқчининг уловда олиб кетилаётганини илғаб қолган. Унинг сезги қобилияти кучли бўлганидан тун зулматида боласининг исини олиб, узоқ йўл юриб, тоққа тугаш қишлоққа яқинлашади. Кейин қишлоқ ичкарасидаги йўлда учраган одамлар уловини ғажиб нобуд қилар, наъраси атрофга тараларди. Лекин айиқчининг тутқинликдаги жойи номаълум бўлгани учун махлуқ қишлоқдан нари кетмасди. Одамлар оқшомлари эшик хатлаб ташқарига чиқаолмас, юрак ҳовучлаб хатарда яшаб келишарди. Лекин хавф-хатар шу билан тугамади. Унинг кунда-кунора қабристон оралаб ўйдим-чуқур қилиши ва пайҳонлаб кўп зиён етказиши барчани

ўйлантириб қўяди. Ёвуз йиртқичнинг бунчалик тажовузкорлигини маҳаллий аҳоли шу вақтгача билишмасди. Кўнгилсиз нохушликлардан сўнг нарвонлик моҳир мерган Мурод амаки ов қуроли ва асбоб-ускуналарини олиб уларга ёрдамга шошилди. Баҳайбат махлуқни қўлга олиш хавфли экани ва кўп муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги овчига олдиндан маълум. Унинг айиқни қўриши шарт эмас. Шунинг учун теварак-атрофини кузатаркан унга кўп нарса ойдинлашди. Одатда айиқчалар бир неча йил оналари қарамоғида бўлишади. Шу боис, овчи хонадонларнинг бирида айиқчининг тутқунликда сақланиб келинаётганлигини тахмин қилади. Қишлоқ одамлари бундан беҳабар эдилар.

Мурод амаки бир тўхтамга келгач фаоллар билан қишлоқ чеккасидаги пешайвонли уйга яқинлашганида қулогига мурғак жониворнинг гингшигани чалинади. Кейин бешолти одим юрмасидан бос-тирмадаги симтўрдан ясалган қафасда айиқ боласига кўзи тушади. Мурғак жониворнинг жунлари хурпайиб, қовурғалари саналиб қолганди.

Қурбон ўтинчи маҳалла фаолларини кўргач шошиб қолади ва рўй бераётган нохушликларда ўзини айбдор ҳис этиб, ҳижолат тортади. Оқсоқол кўрсатмасидан сўнг ўтинчи айиқ боласини тоққа элтиб қўяди. Шу-шу дарғазаб она айиқ қишлоққа қайтиб йўламади.

Абдулла САЙДОВ

Бировга сир айтиб, сақла дегандан, Дил сирин ҳеч кимга айтмаган маъқул. Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди, Сувни энг бошидан қайтарган маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

Одатда асалари уясиде 60 000 дан 120 000 тагача ари бўлади. Ўргимчак тўрининг бири иккинчисини тақрорламайди.

ТУРФА ОЛАМ

АДАБИЁТ МАРКАЗИ

ИСЛАНДИЯ ПОЙТАХТИ ЮНЕСКОНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛДИ.

Маълум бўлишича, Рейкьявикда ўрта асрларга оид ноёб кўлэзма асарлар сақланади. Айнан шу боис Исландия пойтахти—адабиёт маркази, деган юксак марқомга лойиқ қўрилган. Ўтган йиллар давомида бундай шарафга дунёнинг тўрт шаҳри—Эдинбург, Мельбурн, Айова-Сити ва Дублин сазовор бўлганди. Айни чоғда Рейкьявикда маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун қизиқарли тadbирлар режаси тузилмоқда. Ушбу режага кўра, Исландия адабиёти ва унинг тарихи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади. Қолаверса, шаҳарда йирик масштабдаги адабиёт саройининг қурилиши ҳам кўзда тутилган.



ҚИММАТБАҲО УЙ

ШВЕЙЦАРИЯДА ДИНОЗАВР СУЯГИ ҚОЛДИҚЛАРИДАН АНТИҚА ИМОРАТ БУНЁД ЭТИЛДИ.

Иморатни қуришда олтин, платина ва ментор тошлардан кенг фойдаланилган. Мутахассислар ушбу қимматбаҳо уйни 7,5 млн. АҚШ доллари атрофида баҳолашмоқда. Турар-жойнинг умумий майдони 758 квадрат метрни ташкил қилади. Иморат Цуг кўли соҳилларида жойлашган бўлиб, унинг аниқ координатлари ошкор қилинмапти. Шунингдек, антиқа уйда ичимликлар сақлаш учун мўлжалланган ертўла ва тўртта гараж мавжуд. Уйнинг ички қисмига сайқал беришда эса қимматбаҳо ва ноёб материаллардан фойдаланилган.



АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

ХЕЛЬСИНКИДА (ФИНЛЯНДИЯ) ЎН УЧИНЧИ БОР АНЪАНАВИЙ ОЙ ШУЪЛАСИ ОСТИДА СУЗИШ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳар йили Toolonlahti кўлигиде ўтказиладиган ушбу мусобақа ёз мавсуми ниҳоясига етганини англатади. Мусобақанинг очилиш маросими Миллий опера амфитеатри майдонида кечки 20:30 да бошланиб, чиройли нутқ ва бадан тарбиядан сўнг мусобақага старт берилади. Навбатдаги мавсум мусобақасида юздан ортиқ спортчилар қатнашгани қайд этилмоқда. Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — кўлтиқдаги сув сифатига жамоатчилик эътиборини қаратиш. Чунки, сўнгги йилларда Toolonlahti кўлигиде анча сазлашиб қолган.



ЭНГ УЗУН МОТОЦИКЛ

ЛИНКЛЬНШИРЛИК (Б.БРИТАНИЯ) КОЛИН ФУРЗ ИСМИ ЙИГИТ УЗУНЛИГИ 22 МЕТРЛИ МОТОЦИКЛ ЯСАДИ.

Наҳд 25 йўловчини таший оладиган мотоцикл йўлларда асло қийинчилик сезмайди. Мазкур техника мўъжизасининг тезлиги соатига тахминан 56 километрни ташкил қилади. Ҳозирда К.Фурз мана шу мотоцикли орқали Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиш илнжиде. Бироқ, мопед-мотоцикл бир неча камчиликларга эга. Улардан бири шуки, мотоцикл фақат текис йўлдагина ҳаракатланиши мумкин. Қолаверса, унинг тормозини ҳам рисоладагидек соз деб бўлмайди.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

